

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/04.06.2020.Ped.76.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ИСМОИЛОВА ГУЛБАХОР АЗАМОВНА

ТАЛАБАЛАРДА ЭКОЛОГИК МАДАНИЯТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА
РИВОЖЛАНТИРИШ МЕТОДЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
(Ўзбекистон тарихи фани мисолида)

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (тарих)

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Наманган – 2022

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори
(PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по педагогическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of
Philosophy (PhD) on pedagogical sciences**

Исмоилова Гулбахор Азамовна

Талабаларда экологик маданиятни шакллантириш ва ривожлантириш методларини такомиллаштириш (Ўзбекистон тарихи фани мисолида) 3

Исмоилова Гулбахор Азамовна

Совершенствование методов формирования и развития экологической культуры у студентов (на примере истории Узбекистана)..... 25

Ismoilova Gulbaxor Azamovna

Improvement of methods of formation and development of ecological culture in students (on the example of the subject history of Uzbekistan) 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 51

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/04.06.2020.Ped.76.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ИСМОИЛОВА ГУЛБАХОР АЗАМОВНА

**ТАЛАБАЛАРДА ЭКОЛОГИК МАДАНИЯТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА
РИВОЖЛАНТИРИШ МЕТОДЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
(Ўзбекистон тарихи фани мисолида)**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (тарих)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Наманган – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2021.4.PhD/Ped756 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Кўкон давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (рус, ўзбек, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.namdu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Талапов Бахриддин Алижанович
тарих фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Жўраев Рўзимат Тўхтасинович
сиёсий фанлар доктори, доцент

Темиров Набижон Солиевич
педагогика фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Андижон давлат университети

Диссертация ҳимояси Наманган давлат университети ҳузуридаги PhD.03/04.06.2020.Ped.76.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил 1 феврал соат 14.00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 160119, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй. Тел.: (99869)227-29-81. e-mail: info@namdu.uz.)

Диссертация билан Наманган давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (686 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 160119, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй. Тел.: (99869)227-29-81.)


Диссертация автореферати 2022 йил 19 январь куни тарқатилди.
(2022 йил 19 январьдаги 11 рақамли реестр баённомаси).






Т.Файзуллаев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, с.ф.д., профессор


Ш.К.Хўжамбердиева
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, педагогика фанлари
бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент


К.М.Боймирзаев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси, г.ф.д.(DSc), доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон мамлакатлари янги тараққиёт босқичида глобал экологик муаммолар билан тўқнашмоқда. Глобаллашув жараёнларининг кучайиши, илмий-техникавий ва иқтисодий тараққиётнинг зарурий жараён сифатида намоён бўлиши жаҳон миқёсида инсониятни экологик ва техноген ҳалокатлардан сақлашни долзарб масалага айлантirmoқда. БМТ Бош Ассамблеясининг 2015 йил сентябрда Барқарор ривожланиш бўйича саммити ўтказилиб, 70-сон резолюция қабул қилинди. Ушбу резолюцияга мувофиқ, 2030 йилгача бўлган даврда БМТнинг глобал кун тартибига киритилган барқарор ривожланиш мақсадларини изчил амалга ошириш бўйича тизимли ишлар ташкил этилмоқда. Жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари олий таълим тизимида иқтисодий ривожланиш ва экологик тараққиётни бир-бирига боғлиқлигини ҳисобга олган ҳолда замон талаб қилган таълим стандартлари, ўқув дастурлар ишлаб чиқилмоқда ва унга мос равишда дарслик ва адабиётлар яратилмоқда.

Дунёда табиат неъматларидан самарали фойдаланишда халқаро ҳамкорликни кучайтириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиат бойликларидан оқилона фойдаланишнинг комплекс экологик мониторингни олиб бориш устувор ўрин эгаллайди. Ҳозирда дунё олимлари экологик таълим моделлари ва технологияларини таҳлил қилишга, тизимлаштириш ва баҳолашга алоҳида аҳамият бермоқдалар. Дунёнинг илғор давлатлари педагогик тажрибасини ўрганиш, таҳлил қилиш жараёнида талабаларда экологик маданиятни шакллантириш ва ривожлантириш олий таълим муассасаларида бир-бирига боғлиқ бўлган тўртта йўналишда амалга оширилаётганлиги аниқланди: барча ўқув фанлари тизимида экологик билимларни сингдириш, ўқув дастурларига экологик маълумотларни беришга мўлжалланган махсус курсларни киритиш, экологияга оид илмий тадқиқот ишларини кенгайтириш ва жамоатчилик томонидан олиб бориладиган экологик ҳаракатларда фаол иштирок этиш.

Ўзбекистонда таълим-тарбияни ривожлантириш орқали жамият экологик маданиятини юксалтириш давлат ва жамият олдида турган муҳим вазифалар қаторига киради. Мамлакат келажаги учун ўзини масъул эканлигини англаб етадиган, интеллектуал салоҳияти юқори бўлган етук кадрлар экологик маданиятини ўртамиёна ҳолда тасаввур этиб бўлмайдди. Жамиятнинг экологик маданияти юксалишида тез натижа берувчи усул олий таълим талабаларининг экологик билим ва кўникмаларини ривожлантиришдан иборатдир. Зеро, бугунги талаба эртага жамиятнинг етакчи зиёли қатламини ташкил этади. Бу жиҳатдан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 октябрдаги «2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси атроф муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида» ПФ-5863-сон Фармонида кўзда тутилган вазифалар талабалар экологик маданиятини юксалтиришда муҳим ҳужжат ҳисобланади. Мазкур ҳужжат экологик таълим-тарбия тизимини

янада такомиллаштириш имкониятларини яратади. Шунинг учун талабаларда экологик маданиятни шакллантириш ва ривожлантириш методларини такомиллаштириш масалаларини тадқиқ қилиш замонавий фаннинг истиқболли йўналиши саналади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 21 апрелдаги ПФ-5024-сон «Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги фармонлари, 2018 йил 3 октябрдаги ПҚ-3956-сон «Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 15 январдаги 29-сон «Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тўғрисида»ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан қабул қилинган 2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепцияси ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимизда экологик хавфсизликни таъминлаш, таълим олувчиларда экологик маданиятни шакллантириш масалалари бўйича олимлардан Қ.И.Абирқулов, Э.О.Турдиқулов, Н.Ж.Исақулова, Х.Б.Норбўтаев, И.Т.Мислибоев, Л.Т.Шонасирова, С.Мамашокиров, М.М.Алиқулова, Н.Ш.Бозорова, А.Н.Нигматов, Ю.Шодиметов ва бошқалар томонидан тадқиқот ишлари олиб борилган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) давлатлари олимлари А.Н.Алексеев, Л.М.Андрюхина, Т.Б.Баранова, Э.В.Гирусов, Л.Н.Доценко, А.Н.Захлебный, Н.И.Корякина, Д.С.Лихачев, И.Н.Понамарева, Ю.Л.Чуйкова, И.Д.Зверев, В.И.Данилов-Данильян, Б.Т.Лихачев ва бошқалар томонидан экологияга оид масалалар атрофлича таҳлил қилинган.

Хорижий олимлардан А.Leopold, V.Dernqolts, M.Bodzin, B.Shiner, K.Starlin, J.Palmer, Ph.Neal ҳамда бошқалар томонидан атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, жамиятдаги экологик маданиятнинг генезиси ва динамикаси бўйича тадқиқотлар ўтказилган.

Бирок, мавзуга алоқадор адабиётлар таҳлили натижаси шуни кўрсатдики, талабаларда экологик маданиятни шакллантириш ва ривожлантириш методларини такомиллаштириш долзарб аҳамиятга эга бўлган муаммо ҳисобланади ҳамда ушбу мавзу бўйича илмий тадқиқотлар олиб боришни тақозо этмоқда.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Қўқон давлат педагогика институтининг 2018-2023 йилларга мўлжалланган илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Инновацияларни таълим тизимига жорий этишнинг муаммо ва ечимлари» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади талабаларда экологик маданиятни шакллантириш ва ривожлантириш методларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари.

Ўзбекистон тарихи фанини ўқитиш жараёнларида талабаларда экологик маданиятни шакллантириш ва ривожлантириш методларини ўрганиш;

талабаларда экологик маданиятни шаклланганлик даражасини аниқлаш ва ривожлантириш мезонларини таҳлил қилиш;

Ўзбекистон тарихи фанини ўқитишда талабаларда экологик маданиятни шакллантириш ва ривожлантиришга ҳизмат қилувчи жараёнларнинг ўзига хос жиҳатларини аниқлаш;

талабаларда экологик маданиятни шакллантириш ва ривожлантириш жараёнларининг самарадорлигини таъминлаш технологияларини ўрганиш ҳамда такомиллаштириш йўналишларини белгилаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон тарихи фанини ўқитишда талабаларда экологик маданиятни шакллантириш ва ривожлантириш жараёнлари олинган.

Тадқиқотнинг предметини Ўзбекистон тарихи фанини ўқитишда экологик маданиятни шакллантириш ва ривожлантиришнинг мазмуни, шакл, метод, воситалари ва технологиялари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда педагогик кузатув, психологик ёндашув, қиёсий таҳлил қилиш, натижаларни умумлаштириш, моделлаштириш, суҳбат, тест, математик-статистик таҳлил каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

талабаларда экологик маданиятни шакллантириш ва ривожлантиришнинг тарихий-қиёсий усуллари концептуал таълимнинг таянч (ўзгариш, глобал ўзаро ҳаракат, вақт, макон, тизимлар) ва фанга доир (сабаб-оқибат алоқалари, танлов, маданият, манбалар, барқарор ривожланиш) концептларини тарихий воқелик билан идентиклигини таъминлаш структурасини белгилаш орқали аниқлаштирилган;

тарихни ўқитиш жараёнида талабаларда экологик маданиятнинг шаклланганлигини баҳолаш кўрсаткичлари ва сифат мезонлари давр билан диалогга киришиш жараёнида экологик ўзгаришларни англаш, баҳолаш, тўғри қарорлар қабул қилишга йўналтирилган аналитик усулларни мақсадли кўллаш алгоритмини ишлаб чиқиш орқали аниқлаштирилган;

талабаларда экологик маданиятни шакллантириш ва ривожлантириш жараёнини моделлаштириш методи ўқув материалларини мантиқий график асосда шакллантириш, ноосфера соҳаси билан глобал фикрлашнинг ички мантиқини интерналлик даражаси барқарорлигини таъминлаш орқали такомиллаштирилган;

талабаларда экологик маданиятни ривожлантиришнинг импровизацияга асосланган усуллари тарихий жараёнларни маданий қатламлар сифатида “жонлантириш”, фалсафий-антропологик ёндашув асосида инсонлар ҳаётидаги ўзгаришларнинг динамиклигини баҳолаш, шахснинг онтогенездаги ҳолатини “ўтмиш, бугун ва келажак” триадаси билан алоқадорлиги босқичларининг қайта алоқасини белгилаш орқали такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон тарихи таълимини такомиллаштирилган усулларда ташкил этиш орқали талабаларда экологик маданиятни шакллантириш ва ривожлантириш мезонлари ҳамда педагогик талаблар ишлаб чиқилган;

олий таълимда Ўзбекистон тарихи фани асосида экологик маданиятни ривожлантирувчи услубий тавсиялар яратилди ва ундан фойдаланиш методикаси ишлаб чиқилган;

талабалар учун экологик маданиятни шакллантириш ва ривожлантиришнинг методик таъминоти такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги педагогик адабиётларнинг таҳлил қилинганлиги, тадқиқотнинг мақсади, вазифаларидан келиб чиққан ҳолда республика ва халқаро илмий-амалий анжуман материаллари тўпламлари, ОАК эътироф этган махсус ва хорижий журналларда мақолалар чоп қилинганлиги, тажриба-синов натижаларининг асосланганлиги, таклиф, тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ҳаққонийлиги ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти талабаларда экологик маданиятни шакллантириш ва ривожлантиришга қўйиладиган талаблар назарий-педагогик жиҳатдан асосланганлиги, Ўзбекистон тарихи фанидан экологик маданиятни ривожлантирувчи услубий тавсиялар яратилганлиги ва ундан таълим жараёнида фойдаланишнинг методик асослари ишлаб чиқилганлиги, шунингдек, тарихий қадамжоларга саёҳат уюштириш технологиясидан фойдаланилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Ўзбекистон тарихи фани асосида экологик маданиятни такомиллаштирилган методлар орқали шакллантириш ва ривожлантириш, талабаларда танқидий фикрлаш ва креативлик кўникмаларини юксалтириш билан ватанпарварлик, табиат билан уйғунлик, унга меҳр-мурувват ҳиссини тарбиялашда намоён бўлади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон тарихи таълими жараёнида талабаларда экологик маданиятни шакллантириш ва ривожлантириш юзасидан ўтказилган тажрибалар асосида:

талабаларда экологик маданиятни шакллантириш ва ривожлантиришнинг тарихий-қиёсий усулларини концептуал таълимнинг таянч ва фанга доир концептларини тарихий воқелик билан идентиклигини таъминлаш структурасини белгилаш орқали аниқлаштиришга доир амалий таклиф ва тавсиялардан ModeHEE – “Институт ва университетларда соғлиқни сақлашга оид фанларни модернизациялаш” (2015-2018 йй.) лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган. (Тошкент давлат педагогика университетининг 2021 йил 8 октябрдаги 02-07-2847/04-сон маълумотномаси). Натижада, талабаларда экологик маданиятни шакллантириш ва ривожлантиришда концептуал таълимдан фойдаланиш самарадорлигини оширишга эришилган;

тарихни ўқитиш жараёнида талабаларда экологик маданиятнинг шаклланганлигини баҳолаш кўрсаткичлари ва сифат мезонларини давр билан диалогга киришиш жараёнида экологик ўзгаришларни англаш, баҳолаш, тўғри қарорлар қабул қилишга йўналтирилган аналитик усулларни мақсадли қўллаш алгоритминини ишлаб чиқиш орқали аниқлаштириш, “Ўзбекистон тарихи” фанини ўқитиш жараёнида талабаларда экологик маданиятни шакллантириш ва ривожлантириш жараёнининг моделлаштириш методини ўқув материалларини мантиқий граф асосида тизимлаштириш, ноосфера соҳаси билан глобал фикрлашнинг ички мантиқини интерналлик даражаси барқарорлигини таъминлаш орқали такомиллаштиришга доир таклифлардан 574097-EPP-1-2016-1-CY-EPPKA2-SBHE-JP рақамли, (“RUECVET: Россия ва Ўзбекистон таълими ва касбий таълимнинг миллий тизими учун (ECVET) синов бирлигини (кредитларни) кўчиришнинг Европа тизимини пилотлаштириш” (2016-2019 йй.) лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Тошкент давлат педагогика университетининг 2021 йил 8 октябрдаги 02-07-2847/04-сон маълумотномаси). Натижада, талабаларда экологик маданиятни шакллантириш ва ривожлантиришда кредит-модулли таълим технологияларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга эришилган;

талабаларда экологик маданиятни ривожлантиришнинг импровизацияга асосланган усулларини тарихий жараёнларни маданий қатламлар сифатида “жонлантириш”, фалсафий-антропологик ёндашув асосида инсонлар ҳаётидаги ўзгаришларнинг динамиклигини баҳолаш, шахснинг онтогенездаги ҳолатини “ўтмиш, бугун ва келажак” триадаси билан алоқадорлигини асослаш босқичлари қайта алоқасини белгилаш орқали

такомиллаштиришга доир амалий таклиф ва тавсиялардан Ўзбекистон экологик партиясининг Сайловолди дастурларида белгиланган вазифаларнинг VII устувор йўналишига мувофиқ, экологик саводхонлик даражасини оширишда ахборот-коммуникация технологияларни жорий этишга оид чора-тадбирларни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Экологик партиясининг 2021 йил 7 июндаги №6/321 маълумотномаси). Натижада, талабаларда экологик маданиятни шакллантириш ва ривожлантиришда фуқаролик институтлари ҳамкорлигини таъминлашга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация тадқиқоти натижалари 4 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан, 8 та республика, 4 та хорижий илмий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 138 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган. Шунингдек, тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасидаги маълумотлар киритилган.

Диссертациянинг **«Талабаларда экологик маданиятни шакллантириш ва ривожлантиришнинг назарий асослари»** деб номланган биринчи бобида талабаларда экологик маданиятни шакллантириш ва ривожлантириш ижтимоий-педагогик зарурият, бу муносабатни узлуксиз таълим тизимининг барча босқичларида талаба-ёшларда атроф-муҳит ва уни асраб-авайлаш, мавжуд муаммоларни онгли равишда ҳис қилиш ҳамда уларни бартараф этишда самарали ечимларни топиш бўйича билим, кўникма ва малакаларни тизимли ва изчил шакллантириб бориш, экологик таълим-тарбия беришда талаба-ёшларнинг яшаб турган ҳудуди табиати ва моддий-маънавий бойликларини муҳофаза қилишга ўргатиш, таълим тизимининг барча бўғинларида Ўзбекистон тарихи билан боғлиқ табиий муҳит ва моддий-маънавий бойликлардан тежамкорлик билан фойдаланишни, уларни

сақлаш ва кўпайтиришни, ижтимоий ва табиий қонунлар мувозанатини яхши биладиган етук шахсларни тарбиялашнинг мазмуни, педагогик имкониятлари баён этилган.

Ўзбекистон тарихи фани нафақат тарихий воқеа-ходисалар, балки минтақанинг ўзига хос табиий иқлими, ижтимоий-экологик ва этнографик хусусиятлари ва турли даврларда табиат ва инсон ўртасидаги муносабатларнинг характери ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган бўлиб, ёшлар онгида ўтмишдаги ва ҳозирги даврдаги экологик ҳолатни таққослаш, табиатнинг қадрият сифатида эъзозланиши ва асраб-авайланиши ҳақидаги билим, кўникма ва малакаларни мустаҳкамлаш ва тасаввурларини бойитиш мумкин бўлади. Халқимиз тарихининг муқаддас манбаси «Авесто» китобида келтирилган атроф-муҳитни авайлаб-асрашга қаратилган «Кимда-ким заминни чап ва ўнг қўл билан шудгор қилса, замин унга фаровонлик бахш этади», каби пурмаъно фикрларни талаба-ёшлар онгига сингдириш уларда табиатга оқилона муносабатда бўлиш масъулиятини шакллантиради.

Экологик маданиятга талабанинг интеграцион шахсий тарбияси сифатида қаралади, унинг хусусиятлари етакчи психологик хусусиятларини белгилайди: когнитив соҳада – атроф-муҳит муаммолари бўйича илмий тушунчалар тизимини ўзлаштиришга имкон берадиган, шунингдек, тизимдаги муносабатларни уйғунлаштириш учун табиий муҳитни муҳофаза қилиш зарурлигини англайдиган; «Табиат – бу инсон»; ҳиссий соҳада – табиат билан алоқа қилиш натижасида ҳосил бўлган ахлоқий ва эстетик ҳиссиёт ва ҳис-туйғулар, шунингдек, табиий муҳитни бузадиган одамларга нисбатан салбий муносабатни акс эттирувчи ҳиссий реакциялар; ихтиёрий соҳада – атроф-муҳит ҳолати учун жавобгарлик, табиий муҳитни ўрганиш ва ҳимоя қилиш тажрибаси билан боғлиқ бўлган ушбу шахсий таълимни амалга ошириш қобилияти. Юқоридаги фикрларга асосланиб шуни таъкидлаш мумкинки, экологик маданият кўплаб таркибий қисмларни бирлаштирган интегратив категориядир.

Бизнинг тадқиқотимизда талабанинг табиат билан ўзаро муносабати экологик муносабатлар сифатида кўриб чиқилади ва ушбу муносабатларни экологик маданият даражасига кўтаришда Ўзбекистон тарихи фанининг аҳамиятига эътибор қаратилади.

Ўрта асрларда Ўрта Осиёда яшаб ижод этган мутафаккирлардан Хожа Али Рометоний, Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино ва бошқалар инсон экологик маданиятини ривожига катта ҳисса қўшганлар. Улар ҳали экология фани шаклланмаган даврда табиат ва ундаги мувозанат, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, табиатни эъзозлаш ҳақида қимматли фикрлар айтганлар.

Гуманитар фанларни ўқитишда мутафаккирларимизнинг табиат ва жамият ҳақидаги маънавий меросини ўрганиш орқали ёш авлод онгида экологик маданиятни шакллантириш муҳим педагогик муаммо. Шу сабабдан Шарқ алломалари илмий меросининг серқирра ва теран илдизларига таянган

холда ёшларда экологик маданиятни шакллантириш ва ривожлантириш учун таълим ва тарбия жараёнига кенг татбиқ этишимиз даркор. Ўзбекистон тарихи дарслари орқали талабаларда экологик маданиятни шакллантириш ва ривожлантиришда қуйидаги механизмга аҳамият қаратиш зарур (1-расм):



1-расм. Талабаларда экологик маданиятни шакллантириш ва ривожлантириш механизми.

Бугунги кунда Ўзбекистон тарихи фанини ўқитилишига эътибор қаратадиган бўлсак, ушбу фаннинг экологик таълим-тарбия бериш имкониятларидан тўлақонли фойдаланилмоқда, деб фикрлаш ноўрин. Олий таълим муассасалари «Тарих ўқитиш методикаси» йўналишида Ўзбекистон тарихи ўқув фани учун ўқув режа асосида 1-курсда 60 соат маъруза, 90 соат семинар, 150 соат мустақил таълим, 2-курсда 60 соат маъруза, 60 соат семинар, 120 соат мустақил таълим, 3-курсда 50 соат маъруза, 54 соат

семинар, 30 соат курс иши, 60 соат мустақил таълим белгиланган. 60111100-Тарих бакалавриат таълим йўналишининг малака талабларини ўрганилганда бакалаврларнинг касбий вазифаларига, касбий компетенцияларига қўйиладиган талабларга экологик маданиятга эга бўлиши киритилмаган. Амалдаги фан дастурлари, ишчи ўқув фан дастурлари ўрганилганда бирор бир мавзу ёки режага экологияга оид маълумотларни бериш, талабаларда экологик маданиятни шакллантириш ва ривожлантириш ҳақида маълумот киритилмаган. Ўзбекистон тарихи фанини ўқитишга анъанавий ёндашув сақланиб қолмоқда ва анъанавий дарсларда қуйидаги ҳолатлар мавжуд (2-расм):



2-расм. Ўзбекистон тарихи фанини ўқитишдаги мавжуд ҳолат.

Диссертациянинг «Талабаларда экологик маданиятни шакллантириш ва ривожлантириш методикаси» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот мақсадини тажрибада текширишни ҳал қилишга йўналтирилган вазифалар белгиланган, илмий тадқиқот усуллари баён қилинган.

Ўзбекистон тарихи фанини изчил, босқичма-босқич ва бошқа фанлар билан алоқадорликда ўрганиш талабаларнинг мустақил фикрлаш қобилиятини ўстиришга, Ватанга бўлган муҳаббатини ривожлантиришга, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ўсимлик, ҳайвонот оламига озор етказмаслик каби фикрларнинг жонланишига ёрдам беради. Талабаларга Ўзбекистон тарихи фанини ўқитиш жараёнида экологик маданиятни шакллантириш бугунги кунда энг долзарб вазифаларимиздандир. Чунки

инсонга тарбия бериш, рухий таъсир ўтказиш, жуда катта маҳоратни талаб этади.


Ўзбекистон тарихи фанини ўқитилишида талабаларнинг экологик маданиятини шакллантириш ва ривожлантиришда объектив ва субъектив омиллар ҳисобга олиниши зарур. Бу икки омил талабаларда экологик маданиятни инновацион усулда шакллантириш ва ривожлантиришга тўғри йўналтиришни аниқлаш имкониятларини беради.

Объектив омиллар – фан дастури, ишчи режа, дарслик ва ўқув қўлланмаларига экологик маданиятни шакллантириш ва ривожлантиришга ёрдам берувчи материалларнинг киритилганлиги, ахборот технологияларининг барча воситаларидан фойдаланиш имкониятларининг мавжудлиги, аудиторияларнинг проекторлар ва бошқа электрон ресурсларни тақдим этиш воситалари билан таъминланганлиги, таълим сайтларига барча зарурий маълумотлар ва топшириқларнинг жойлаштирилганлиги каби жиҳатларни ўз ичига олади.

Субъектив омиллар – Ўзбекистон тарихи фанидан дарс берувчи профессор-ўқитувчиларнинг экологик муаммолар тўғрисидаги билимлардан хабардорлиги, экологик муаммоларни бартараф этиш йўллари тўғрисидаги тушунчаларга эгаллиги, атроф муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисидаги билимларини ўқитилаётган мавзулар мазмунига сингдириб юбора олиши, бу жараёнга талабаларни жалб этиб, уларнинг фаоллигини оширишга эриша олиши қобилиятини акс эттиради.

Талабаларда экологик маданиятни шакллантириш ва ривожлантиришга доир назарий методологик ёндашувлар мазкур жараённи моделлаштириш эҳтиёжини юзага келтирди. Мазкур тадқиқот доирасида модел яратишда талабаларда экологик маданиятни шакллантириш ва ривожлантиришда мақсадли, мазмунли, жараёнли, диагностик тамойилларига риоя қилиш орқали жараённи структурал-функционал ташкил этиш тушунилди. Таҳлил натижалари асосида талабаларда экологик маданиятни шакллантириш ва ривожлантириш методларини такомиллаштириш модели ишлаб чиқилди (3-расм).

Моделнинг мақсади сифатида бўлажак педагогларда экологик маданиятни ривожлантириш самарадорлигини таъминлаш белгиланди. Мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар аниқлаштирилди: талабаларда экологик маданиятни шакллантириш ва ривожлантириш жараёнини ташкил этиш ва умумлаштириш, натижалар билан боғлиқликда фаолиятни коррекциялаш. Моделни амалга ошириш механизмлари ва мазмуни Ўзбекистон тарихи фанининг ўқув-услубий мажмуаси, аудиториядан ташқари машғулотлар ва мустақил таълим асосида амалга оширилди.



3-расм. Талабаларда экологик маданиятни шакллантириш ва ривожлантириш методларини такомиллаштириш технологиясининг модели

Талабаларни аудиториядан ташқари вақтда тарихий қадамжоларга саёҳат уюштириш технологиясида куйидаги лойиҳадан фойдаланиш таклиф этилади. Тарихий қадамжоларга саёҳат уюштириш технологиясининг ташкилий жиҳатлари аудиториядан ташқари вақт танлаб олиниши, бориладиган жойнинг фаолият юритаётганлиги, бориш-келишдаги техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш масаласини аниқлаштиришни талаб этилади. Қадамжоларга уюштириладиган саёҳат ўзида тарбиявий ва таълимий мақсадларни кўзлайди. Мақсадни белгилашда танланган манзилнинг – тарихий ёдгорликнинг ўзига хос хусусиятларига эътибор бериш лозим.

Тарихий қадамжоларга саёҳат уюштиришнинг таълимий мақсади: талабаларни Ўзбекистон тарихи тўғрисидаги билимларини тарихий қадамжоларга саёҳат қилдириш орқали амалий кўникма ва малакаларини мустаҳкамлашдан иборат.

Саёҳат уюштиришнинг тарбиявий мақсади: талабаларнинг Ватанга муҳаббат туйғуларини шакллантириш, тарихий қадамжоларни авайлаб-асраш масъулиятини ошириш орқали табиий атроф-муҳитни муҳофаза қилиш маданиятини ривожлантиришдан иборат.

Таълим методлари: «Маълумотларни ўзлаштиришда танлов эркинлиги», «Ҳаётий тажрибани ўзлаштириш машқи», «Соғлом рақобат – танқидий таҳлил», кўргазмалилик, кузатиш, кичик гуруҳларда ишлаш.

Саёҳатнинг 1-босқичи: қадамжога ташриф буюриш.

2-босқич: талабалар ва тушунтириш берган ходим ёки диний соҳа вакили билан суҳбат, баҳс-мунозара, дебат каби усуллардан бири қўлланилади. Савол-жавобнинг мавзуси саёҳат қилинган манзилнинг умумий хусусиятлари билан боғлиқ бўлиши мумкин. Бунда талабаларда ушбу тарихий ёдгорлик ҳақида умумий билимлар ҳосил бўлади.

3-босқич: қадамжо ёки манзилгоҳдан ташқарига чиқилгандан сўнг, унинг ён-атрофига туташ иншоотлар, зиёрат қилувчилар учун шароитлар, қадамжони янада яхшироқ сақланиши учун нималар қилиниши лозимлиги хусусида давра суҳбати, прогноз қилиш, «Маълумотларни ўзлаштиришда танлов эркинлиги», «Ҳаётий тажрибани ўзлаштириш машқи», «Соғлом рақобат – танқидий таҳлил» каби усуллардан фойдаланилган ҳолда талабаларнинг кузатилган маскан ҳақидаги кўникмаларини юксалтиришга эришилади.

4-босқич: тарихий ёдгорликнинг ўзида ёки уни тарқ этгандан кейин талабаларга вазифалар бериш. Зиёратгоҳнинг тузилиши, меъморчилигининг хусусиятлари, иншоот ва ашёлар сақланишидаги ижобий ва салбий ҳолатларнинг мавжудлиги, эътиборни кучайтириш учун белгиланиши лозим бўлган чора-тадбирлар хусусида эссе, график чизмалар, мультимедиа воситалари, йиғма папкалар тайёрлаш топширилади. Вазифа берган ўқитувчи уларни кейинги дарсларда аудиторияда муҳокама қилиш орқали талабаларнинг тарихий ёдгорликларни асраш бўйича малакаларини ривожлантиришга хизмат қилувчи муҳитни яратади.

5-босқич: талабалар билан тарихий ёдгорликка саёҳат натижалари бўйича тадқиқот ташкил этилади. Бунда тарихий ёдгорликларга нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлиш ҳар бир фуқаронинг бурчи эканлиги,

нафақат тарихий ёдгорликлар, балки табиий атроф-муҳитимизни сақлаш мана шу бурчнинг таркибий қисми эканлиги бўйича мақола, эссе ёзиш, шунингдек, замонавий компьютер ёрдамида талабаларнинг ижодийлик қобилиятини кучайтиришга қаратилган усуллардан фойдаланиш талаб этилади.

Олий таълим тизимидаги ўқув режалари, фан дастурлари, талабалар билан ўтказилган мулоқотлар мазкур муаммо юзасидан хулосалар чиқаришга ёрдам берди. Талабаларнинг экологик маданиятини шакллантириш ва ривожлантиришда Ўзбекистон тарихи фанидан фойдаланишнинг имкониятларини ошириш учун қуйидаги омилларга эътиборни қаратиш зарурлиги ойдинлашди:

1. Ўзбекистон тарихи фанини ўқитилишида талабалар онгида ўтмишда экологияга тааллуқли тушунча ва қарашлар ҳақидаги маълумотларни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратиш;

2. Ўзбекистон тарихи фанидан дарс берувчи профессор-ўқитувчиларнинг экологик маданият тўғрисидаги назарий билимлар ва талабалар ўртасида бундай маданиятни ривожлантириш бўйича етарлича ғоявий тайёргарлик ва тажрибага эга бўлишларига эришиш.

3. Талабаларда экологик маданиятни шакллантириш ва ривожлантиришда Ўзбекистон тарихи билан бошқа фанларнинг алоқадорлик хусусиятларидан самарали фойдаланишга эришиш.

4. Олий таълим муассасасида ташкил этиладиган маънавий-ахлоқий ва тарбиявий ишлар режасида экология бўйича тадбирларни ташкил этиш масаласига жиддий эътибор бериш.

5. Ижтимоий тармоқлар, оммавий ахборот воситалари ва электрон таълим ресурслари имкониятларидан фойдаланишни кенгайтириш.

6. Атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган тадбирларни ташкил этишда талабаларнинг фаол иштирок этишини таъминлашга эътибор бериш.

Диссертациянинг **«Ўзбекистон тарихини ўқитиш жараёнида талабаларнинг экологик маданиятини шакллантириш ва ривожлантириш самарадорлиги»** деб номланган учинчи бобида талабаларда экологик маданиятни шакллантириш ва ривожлантиришга доир тажриба-синов ишлари мазмуни ва натижалари ёритиб берилган.

Педагогик тажриба-синов ишлари қуйидаги тўрт босқичда амалга оширилди:

1-босқичда тажриба-синовни ўтказиш дастури ишлаб чиқилди. Мавзуга оид адабиётлар билан танишилди;

2-босқичда педагогик эксперимент ишларини амалга ошириш учун тажриба майдонлари белгиланди ва олий таълимда Тарих ўқитиш методикаси йўналишида ўқитиладиган Ўзбекистон тарихи ўқув фани дастури, ўқув режалари, дарслик ҳамда ўқув қўлланмаларида келтирилган ўқув машғулотларининг мақсади, вазифалари ва мазмуни аниқланди, ўқитувчи фаолияти ўрганилди, тадқиқот муаммосига доир педагогик ва методик адабиётларнинг мазмуни таҳлил қилинди ва Ўзбекистон тарихи ўқув фани таълимида талабаларнинг экологик маданиятини шакллантириш ва ривожлантиришнинг мавжуд ҳолати ўрганилди;

3-босқичда тажриба-синов ўтказиш учун электрон платформа тайёрланиб, экспериментатор талабаларга етказилди, уларга диссертациянинг мазмун-моҳиятидан келиб чиққан ҳолда методик маслаҳатлар берилди;

4-босқичда эса олий таълимда ўқитиладиган Ўзбекистон тарихи ўқув фани бўйича тайёрланган илмий ва ўқув-услубий ишланмалар бўйича дарслар ташкил этилди ва олинган натижалар умумлаштирилди.

Олий таълим муассасалари талабаларида экологик маданиятни шакллантириш ва ривожлантириш методларини такомиллаштириш соҳасида ташкил этилган амалий фаолият учун объект сифатида Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Наманган давлат университети, Жиззах давлат педагогика институти, Қўқон давлат педагогика институти танланди. Мазкур олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган талабаларнинг 735 нафари тажриба-синов ишлари учун респондент этиб белгиланди, тажриба гуруҳида 407 нафар, назорат гуруҳида 328 нафар талаба билан ташкил этилди.

Талабалар экологик маданиятини такомиллаштирилган усулларда шакллантириш ва ривожлантиришда Ўзбекистон тарихи фанининг имкониятларини аниқлаш мақсадида ташкил этилган тажриба-синов ишлари самарадорлик даражасини аниқлашга йўналтирилган жараёнда талабалардан ёзма назорат ишлари олинди. Ёзма назорат иши тажриба ва назорат гуруҳларида ўтказилди. Тажриба гуруҳи бажарган ёзма ишлар мазмунининг таҳлили талабаларнинг масъулият билан ёндашган ҳолда жавоб берганлигини кўрсатди. Жавобларда экологик маданиятнинг мазмун-моҳияти 78 % талаба томонидан тўғри ёритилиб берилган, уларнинг 22 фоизида бу хусусда умумий фикрлар баён этилди.

Экологик маданиятни экологик таълим орқали ривожлантириш имкониятлари ҳақидаги саволга назорат гуруҳи талабаларида жавоблар турли-туман ғоялар асосида тақдим этилди. Талабаларнинг 60 % экологик таълим тўғрисида фақат умумий тушунчага эгаллиги, улардан фақат 20 % тўғри тасаввурлар қила олиши аниқланди. 20 % талаба саволни жавобсиз қолдирди. Экологик маданиятни экологик таълим орқали ривожлантириш имкониятлари масаласида талабалар тасаввурлари анча камлиги экологик таълим тўғрисида умумий билимлар берилмаганлиги билан асосланади.

Ўзбекистон тарихи фанининг талабалар экологик маданиятини ривожлантиришдаги ўрни юқори бўлган мавзулар ҳақида савол берилганда талабалар умумий фикр билдирган. Талабалар томонидан совет давлатининг XX асрдаги иқтисодий сиёсати, XXI асрдаги глобаллашувнинг кенг ёйилиши каби мавзуларнинг аҳамияти юқорилигини 40 % талаба ўз жавобларида тилга олишган. 60 % талаба XX асрдан олдинги даврга тааллуқли мавзуларни тилга олишди. Холбуки, «Авесто – Ўзбекистон тарихини ўрганишда муҳим манба сифатида», «IX-XII асрларда Мовароуннаҳрда фан ва маданият», «Темурийлар даврида ижтимоий-иқтисодий ҳаёт», «Ўзбекистонда ер-сув ислоҳоти», «XX асрнинг 60-80 йилларида Ўзбекистонда фан ва маданият» каби мавзуларда ўқитилган дарсларда талабалар экологик маданиятини юксалтириш учун манбалардан фойдаланиш имкониятлари мавжуд.

Ўзбекистон тарихи фанининг ўқитилишида қайси усул ва технологиялардан фойдаланиш экологик маданиятни ривожлантиришда

самарали таъсирга эга бўлиши ҳақидаги саволга 35 % талаба тарихий обидаларга саёҳат, 65 % талаба оддий усуллардан фойдаланишни мақбул деб ҳисоблашларини баён этишган.

Муаммони назарий ўрганиш, экологик маданиятни ривожлантиришда Ўзбекистон тарихи фанининг имкониятларини таҳлил қилиш ва талабалар билан мулоқотлар асосида уларда экологик маданиятни ривожланиш даражасини қуйидаги мезонлар ёрдамида аниқлаш мумкинлигига ишонч ҳосил қилинди:

1. Талабалар томонидан экологик маданиятнинг мазмун-моҳиятини англаниши.

2. Талабаларнинг экологияни муҳофаза қилиш борасидаги бурчлари ва мажбуриятларидан хабардорликлари.

3. Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишда фаол иштирок этиш малакаларига эгаликлари.

4. Талабалар маданий-тарихий ёдгорликлар ва атроф табиий муҳитни жамият билан биргаликда муҳофаза қилишга тайёрликлари.

Ушбу мезонлар асосида ўтказилган тажриба-синов ишлари талабаларни экологик маданиятини ривожланганлигини юқори, ўрта ва паст даражада баҳолаш имконини берди. Олинган натижалар тажриба боши ва якунидаги кўрсаткичлари қуйидаги жадвалда акс этган.

1-жадвал

Талабаларда экологик маданиятни шакллантириш ва ривожлантириш методларини такомиллаштириш бўйича тажрибадан аввалги (ТА) ва тажрибадан кейинги (ТК) маълумотларни умумий жадвали.

№	Тажриба ва синов объектлари	Талабалар сони	Тажриба гуруҳлари						Талабалар сони	Назорат гуруҳлари					
			Юқори		Ўрта		Паст			Юқори		Ўрта		Паст	
			ТА	ТК	ТА	ТК	ТА	ТК		ТА	ТК	ТА	ТК	ТА	ТК
1	Жиззах давлат педагогика институти	99	21	31	23	30	55	38	76	4	5	24	26	48	45
2	Қўқон давлат педагогика институти	151	44	63	56	62	51	26	117	7	6	36	39	74	72
3	Тошкент давлат педагогика университети	51	18	23	19	22	14	6	43	3	5	19	21	21	17
